

# Инсон ва Конун



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ  
ЖАРИМАДАН ОЗОД БЎЛДИ **4-БЕТ**

НОТАРИАЛ ХИЗМАТ:  
КЕЧА ВА БУГУН **6-БЕТ**

ҲИМОЯ ОРДЕРИ НИМА?  
У КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ? **8-БЕТ**

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

2021 йил 13 июль  
сешанба  
№ 28 (1284)

- [www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)
- [insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)
- [fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)
- [t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)

hudud**24**  
Endi 24 soat siz bilan!


- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳукуқий маълумотлар
- Таххилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

## Қозонга яқин турсанг қораси, порага яқин юрсанг яраси уради

ЖАМИЯТ ҳам, давлат ҳам худди одамга ўхшайди. Касал бўлса, дардга чалинса, зарур муолажага эҳтиёж сезади. Укол олади, дори ахтаради. Оғир ахволга тушиб қолмаслик учун эмланади. Ҳар қандай хасталикни ичда ушлаб, яшириб бўлмайди, “касални яширсанг иситмаси ошкор қиласи”, деган гап бежиз эмас.



**2-БЕТ**



### ЮРИДИК ТЕХНИКУМ:

у ерда ўқиш жараёни қандай, уни аъло даражада битирганларга имтиёз борми?

Сўнгги йилларда Президентимиз ташабbusи билан жамиятнинг турли соҳаларида жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, рафбатлантириш, малакали кадрлар етиштириш мақсадида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шулар жумласидандир.

**3-БЕТ**

## МЕҲНАТ БОЗОРИ: КОФОЗДАГИ ХИСОБОТ ВА ХАЁТ БОШКА- БОШКА...МИ?

- Мақола нега ёзилди?
- Меҳнат мигрантларига мунносабат: хорижда ва бизда...
- Кам фоизли кредитлар кимга керак? Ёхуд авиачипталар нархи нега осмонга “кўтарилаяпти”?
- Хусусий бандлик агентлеклари нега ўзини оқламади?



Авиа кассалардан яқинда олинган маълумотларга кўра:

- Тошкент — Москва йўналиши бўйича авиарейс чиптаси нархи — **4 миллион 200 минг сўм**.
- Тошкент — Дубай йўналиши — **2 миллион 600 минг сўм**;
- Тошкент — Истанбул рейси — **2 миллион 950 минг сўм**;
- Тошкент — Шарм эл-Шейх рейси — **3 миллион 170 минг 442 сўм**;
- Москвадан Тошкентга учиш эса **1 миллион 250 минг сўм**.



АСОССИЗ РАД  
ЭТИЛГАН ТАЛАБ  
**АДЛИЯ**  
ТАҶДИМНОМАСИДАН  
СҮНГ БАЖАРИЛДИ



**4-БЕТ**



# ЮРИДИК ТЕХНИКУМ:

у ерда ўқиши жараёни қандай, уни аъло даражада битирғанларга имтиёз борми?

- Худудий адлия бошқармалари тасарруфидаги ўрта махсус ўқув юртлари нега юридик техникум деб аталди? Юридик техникумнинг коллеж, билим юрти ва бошқа турдаги таълим муассасасидан фарқи нимада?
- Юридик техникумни битирғанлар қайси меъёрга асосан Тошкент давлат юридик университетига сұхбат асосида қабул қилинади?
- Бунда таниш-билишчилик сингари инсон омилига боғлиқ ҳолатлар юз бермайдими? Негаки, одамлар орасида сұхбат асосида университетта кириш имконияти ҳуқуқни мұхофаза қылувчи идоралар ходимларининг фарзандларидан ортмайди, деган қарашлар ҳам йўқ эмас.
- Юридик техникумни битирғанлар мабодо олий ўқув юртига киролмай қолса, қайси соҳаларда ишлаши мүмкин?



**Ўтқирбек МУҲАМЕДОВ,**

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари — Тошкент юридик техникуми директори, юридик фанлари доктори:

1. Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, касб-хунар маълумотига эга малакали мутахassislar, рақобатбардош юридик кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида 2020 йил 30 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унинг асосида профессионал таълим муассасаларига оид Низом ишлаб чиқилган. Унга кўра, Касб-хунар мактаби — Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчilarini ижтимойи қўллаб-қувватлашга қаратилган бошлангич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаси ҳисобланади.

Коллежлар — Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ҳисобланади. Коллежлар тегишили вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тизимидағи ташкилий тузилма ҳисобланади ва фаолиятлари уларнинг маблағи асосида молиялаштирилади.

Техникумлар — Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари ҳисобланади. Техникумлар тегишили вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тизимидағи ташкилий тузилма ҳисобланади, фаолияти маҳаллий ва хорижий грантлар, таълим хизматларини кўрсатиш, ишлаб

чиқариш ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари асосида молиялаштирилади. Техникумда таълим бериш камида 2 йил мuddатда кундузги, кечки, сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Кечки ва сиртқи таълим шаклида ўқиш муддати ва семестрлар давомийлиги ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган меъёрлар асосида шакллантирилади.

2. Сўнгги йилларда Президентимиз ташабуси билан жамиятнинг турли соҳаларида жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, малакали кадрлар етишириш максадида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шулар жумласидандир. Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб юридик техникум битирувчilari Тошкент давлат юридик университетига ҳудудий адлия органларининг йўлланмалари асосида кириш тест синовларисиз, якка тартиbdagi сұхбат ўтказиш орқали бакалаврлар тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастuri бўйича ва ўқиши тугатгандан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда киришга ҳақли эканлиги белгиланган.

3. Юридик техникум битирувчisining умумий ўзлаштириш курсаткичи рейтинг натижалари бўйича 71 ва undan ортиқ фоизни ташкил этганда, битирувчининг чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи тегишили миллӣ ёки халқаро сертификатга эга бўлганда, жумладан, тилни билиш даражалари B2 ва undan юкори, юридик техникум ижтимоий тузилма ҳисобланади. Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида юритади.

4. Юридик техникумлар битирувчilari Oliy ўқув юртларiga ўқишига киролмаган тақдирда, нотариус ёрдамчиси, ФХДЕ бўлими инспектори, давлат хизматлари маркази мутахassislari, судья ёрдамчиси, давлат ижрочиси ва адвокат ёрдамчиси каби 93 та штат бирлигидаги мутахassisliklarda ишлаши мүмкин.



**Жавлон УМАРОВ,**

Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари — Навоий вилоят юридик техникуми директори:

1. Юридик коллежлар техникумлар сифатида фаолиятни бошлагандан сўнг, бу ерда янги бир муҳит шаклланди. Энг аввало, назария ва амалиёт уйунлаштирилди. Буни амалиёт дарсларининг мажбурий ўқув-режага киритилгани билан ҳам изоҳлаш мүмкин. Эндилиқда юридик техникум ўқувчиси фақатгина таълим муассасасида таҳсил олмайди, у суд ва адлия органлари, нотариал идоралар, давлат хизматлари агентликларида амалий иш жараёнини кузатади, бевосита унда иштирок этади. Қолаверса, Навоий вилоят юридик техникумда суд, давлат хизматлари, “legal teach” хоналари ташкил этилаяпти, бу ерда ўқувчилар назарий билимларни ҳам амалиётдаги каби ўзлаштиришлари, қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳалари устида ишлашлари мүмкин.

Қабул жараёнлари 1 августдан 20 августга онлайн тарзда амалга оширилишини эслатиб ўтиш жоиз. Ҳатто келгуси ўқув йилидан таълим даргоҳининг 1-босқич ўқувчилари учун адлия вазирининг стипендияси жорий этилиши кутилмоқда.


2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида техникум битирувчilariga Тошкент давлат юридик университетига кириш учун йўлланмана берилади.

3. Бу нотўри тушунча. Чунки йўлланмана шунчаки берилмайди. Техникум битирувчisi сұхбатга кириш учун унинг ўртача баҳолар бали 71 балдан юкори бўлиб, чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификатга эга бўлиши лозим. Шунингдек, битирувчининг техникум ижтимоий маънавий ҳаётида фаол иштироки ҳам баҳоланадиган мезонлардан бири. Шу боис, битирувчи ҳуқуқшуноснинг ёки бошқа бир орган вакилининг боласи бўлишидан қатъни назар, ана шу талабларга жавоб бермаса, у сұхбатга киролмайди. Мулоқот давомида эса унинг билим даражаси қайта синовдан ўтади.

4. Юридик техникумлар битирувchilari Oliy ўқув масканияга киролмай қолса, исталган ташкилотда юридик хизмат ходими, ҳуқуқни мұхофаза қылувчи органларда иш юритиш билан боғлиқ лавозимларда ишлаши, нотариал идоралар, давлат архиви, ФХДЕ бўлимлари, давлат хизматлари агентликларида ҳам фаолият олиб бориши мүмкин.

 НАМАНГАН

# МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ЖАРИМАДАН ОЗОД БЎЛДИ



**НАМАНГАН**  
туманидаги айрим  
маҳалла фуқаро-  
лар йигини худу-  
дида яшовчи фуқа-  
ролар томонидан  
чиқиндиларни  
белгиланмаган  
жойга ташланган-  
лиги учун МФЙ  
раислари туман  
экология ва атроф-  
мухитни муҳофаза  
қилиш инспек-  
цияси томонидан  
маъмурӣ жавобгарликка  
тортилди. Маҳал-  
ла оқсоқоллари  
Наманган вилоят  
адлия бошқар-  
маси томонидан  
ўтказилган сайёр  
қабулда бундан  
норозиликларини  
билириши.

Мурожаатларни  
үрганиш жараёнида  
тумандаги “Кўлбўй”,  
“Шўрқишлок”, “Қоракўл”,  
“Ўлмас”, “Гулдирор”,  
“Чагир”, “Кайковус”, “Оқ  
ер”, “Кўргонча” МФЙ  
раислари нисбатан  
маҳалла худудларида  
турли хил қурилиш ва  
маиший чиқиндилар  
тўпланиб қолганлиги  
сабабли маъмурӣ  
жарима қўллаш тўғри-  
сидаги қарорларни  
расмийлаштиришда  
қонунбузилиш ҳолатла-  
рига йўл қўйилганлиги  
аниқланди.

Хусусан, мазкур  
чиқиндилар МФЙ  
раислари томонидан  
эмас балки, маҳалла  
фуқаролар йигинла-  
ри худудида яшовчи  
фуқаролар томонидан  
ташланган бўлса-да,  
МФЙ раислари нисбатан  
маъмурӣ жарима-  
лар қўлланилган.

Шунингдек, маъму-  
рий жарима қўллаш  
тўғрисидаги қарорда  
ҳам ҳуқуқбузарлик  
моҳияти сифатида  
мазкур чиқиндилар  
айнан МФЙ раислари  
томонидан ташланган-  
лиги баён этилмаган ва  
аксинча МФЙ раисла-  
рининг эътиборсизлиги  
кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари,  
уларга нисбатан маъ-  
мурӣ жарима қўллаш  
тўғрисидаги қарорлар-  
ни расмийлаштиришда  
Маъмурӣ жавобгарлик  
тўғрисидаги кодекснинг  
30, 91, 311-моддалари-  
нинг талаблари бузил-  
ганлиги маълум бўлди.

Шунга кўра, вилоят  
адлия бошқармаси то-  
монидан жорий йилнинг  
11 июнь куни Наманган  
вилоят экология ва  
атроф-мухитни муҳо-  
фаза қилиш бошқар-  
маси бошлиғи номига

МФЙ раислари га нисба-  
тан расмийлаштирил-  
ган маъмурӣ жарима  
қўллаш тўғрисидаги қа-  
рорларни бекор қилиш  
юзасидан тақдимнома  
кириттиди.

Натижада Наманган  
вилоят экология ва  
атроф-мухитни муҳо-  
фаза қилиш бошқармаси  
бошлиғининг 2021 йил  
22 июндаги бўйруғи  
 билан юқорида қайд  
этилган МФЙ раисла-  
рига нисбатан расмий-  
лаштирилган маъмурӣ  
жарима қўллаш тўғриси-  
даги 9 та қарорнинг бе-  
кор қилиниши таъмин-  
ланиб, оқсоқолларнинг  
11 миллион 25 минг  
сўм асоссиз жарима  
тўлашларининг олди  
олинди.

**Дилмурод АҲМЕДОВ,**  
Наманган вилоят  
адлия бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари

**ФУҚАРО ПЕНСИЯ МИҚДОРИДАН НОРОЗИ БЎЛДИ**



ФУҚАРО Юсуф Тўраевнинг пенсия миқ-  
доридан норози бўлиб ёзган шикоят ари-  
заси Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими  
тумонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш на-  
тижаларига кўра, Ю.Тўраевнинг манфаат-  
ларини кўзлаб Тошкент туманлараро маъ-  
мурӣ судига шикоят аризаси киритилди.

Суднинг 2021 йил 2 июндаги ҳал қилув  
қарори билан Бюджетдан ташқари пенсия  
жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлими-  
нинг 2020 йил 13 мартағи қарори ҳақиқий  
эмас, деб топилиб, пенсия жамғармаси  
туман бўлими зиммасига Ю.Тўраевнинг  
“Боз-су” кафесида 1981 йил 1 декабрдан  
1987 йил 15 октябргача, “Пазанда 94” хис-  
садорлик жамиятида 1995 йил 1 октябрдан  
1998 йил 18 мартағача, Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Афғон уруши ногиронлари респуб-  
лика хайрия жамғармасида 2002 йил  
10 майдан 2003 йил 5 октябрягача ишлаган  
даврини умумий меҳнат стажига кўшиб ҳи-  
соблаш мажбурияти юқлатилди.

**Фарҳод САГАТОВ,**  
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими  
бош маслаҳатчиси

 ҚАШҚАДАРЁ

## АСОССИЗ РАД ЭТИЛГАН ТАЛАБ АДЛИЯ ТАҚДИМНОМАСИДАН СҮНГ БАЖАРИЛДИ



МИРИШКОР тумани “Янги Миришкор” маҳалласида яшов-  
чи фуқаро Р.Х. 2019 йил февраль ойида туман тиббиёт бир-  
лашмасидан туғуруқ таътилига кетиб, 2021 йил июнь ойида  
ишга қайтишни сўраб, тиббиёт бирлашмаси раҳбарига муро-  
жаат қилган.

Аммо унинг талаби асоссиз  
равишда рад этилганлиги боис  
Миришкор туман адлия бўли-  
мидан ўз жойига ишга қабул  
қилинмаётганлигидан норози  
бўлиб, ёрдам сўрашга мажбур  
бўлган.

Ўрганиш давомида Р.Х.нинг  
мурожаатида кўрсатилган ҳо-  
латларда меҳнат қонунчили-  
ги нормалари бузилганлиги,  
хусусан, Мехнат кодексининг  
234-моддасида кўрсатилган  
болани парваришиш таъ-  
тили даврида аёлнинг иш

жойи (лавозими) сақланиши  
шартлиги ҳолати бузилган-  
лиги сабабли адлия бўлими  
тумонидан Р.Х.нинг манфаати-  
ни кўзлаб туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлиғи номига  
тақдимома киритилган.

Тақдимома натижасига  
кўра, тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғининг 2021 йил 1 июн-  
даги бўйруғи билан фуқаро Р.Х.  
аввалиги ишига тикланди.

**Музаффар АБДУРАСУЛОВ,**  
Миришкор туман адлия  
бўлими бошлиғи



Кўшимча тўловдан  
ҚУРУҚ ҚОЛГАН ХОДИМ

## АДЛИЯГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

ФУҚАРО Ш.Ра-  
матов коронави-  
рус инфекцияси  
тарқалишига қарши  
курашиш тадбирлар-  
ига жалб этилган.  
Аммо унга тўланиши  
лозим бўлган кунлик  
қўшимча тўловлар  
тўланмасдан қол-  
ган. Бундан норози  
бўлган Ш. Раматов  
Хоразм вилоят адлия  
бошқармасига муро-  
жаат қилган.

Ўрганиш жараё-  
нида Хоразм вилоят  
санитария эпидемио-  
логик осоиишталик  
ва жамоат саломат-  
лиги хизмати томо-  
нидан коронавирус

инфекцияси тарқали-  
шига қарши курашиш  
тадбирларига жалб  
қилинган ходимларга  
Президентимизнинг  
2020 йил 19 мартағи  
Фармонининг 17-бан-  
дига асосан уларнинг  
оийлик лавозим мао-  
шига б фоиз миқдо-  
рида ҳар кунлик  
қўшимча тўловлар  
тўлаб берилмагани  
оқибатида қонун-  
бузилиш ҳолатларига  
йўл қўйилганлиги  
аниқланди.

Вилоят адлия  
бошқармаси томонидан  
мурожаатни ўрганиш  
якунни бўйича фуқаролик  
ишлари

бўйича Урганч  
туманлараро судига  
фуқаро Ш.Раматов-  
га тўланиши лозим  
бўлган 2 миллион  
331 минг 52 сўм пул  
маблағини ундириш  
ҳақида даъво ари-  
заси киритилди ва  
суднинг 2021 йил  
3 июндаги ҳал қилув  
қарори билан фуқаро  
туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлиғи  
ундиришни бўлса, суд  
бўйруғи берилиши  
белгиланган.

**Равшанбек  
НЕЯЗМЕТОВ,**  
Хоразм вилоят  
адлия бошқармаси  
масъул ходими

 ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

**БЕРУНИЙ** туман адлия бўлимига фуқа-  
ролар Б.С., Г.К., А.Т.лар мурожаат қилиб,  
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-  
ганларидан котиб лавозимида ишлаган  
даврида фойдаланилмаган меҳнат таъ-  
тиллари учун компенсация пулини унди-  
ришга амалий ёрдам сўраган.



## СОБИК “КОТИБ”ЛАРГА КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Мурожаатларни ўрганиш давомида ушбу  
фуқароларнинг 2011-2020 йилларда котиб  
лавозимида ишлаган даврида меҳнат таъ-  
тилдан фойдаланилмаганлиги, 2020 йил  
20 апрелда Меҳнат кодексининг 100-мод-  
даси 2-қисми 1-бандига асосан улар билан  
тузилган меҳнат шартномаси бекор қилин-  
ганлиги, иш даврида туман ҳокимлиги то-  
монидан фойдаланилмаган меҳнат таътил-  
лари учун фуқаролар Б.С.га ҳисобланган  
14 миллион 19 минг 603 сўм, Г.К.га 7 мил-  
лион 356 минг 821 сўм, А.Т.га 10 million  
132 минг 981 сўм миқдоридаги пуллар  
тўланмаганини аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 151-мод-  
дасида меҳнат шартномаси бекор қилинган-  
да ходимга фойдаланилмаган барча йиллик  
асосий ва кўшимча таътиллар учун пуллик  
компенсация тўланиши, Фуқаролик процес-  
суал кодексининг 171-моддаси 5-бандига  
ҳисобланган, аммо ходимга тўланмаган  
иш ҳақини ва бошқа унга тенглаштирилган  
тўловларни ундиришни сўраб, арз қилинган  
бўлса, суд бўйруғи берилиши белгиланган.

Мазкур қонунчилик талабларига асосан,  
туман адлия бўлими томонидан уч нафар  
фуқаронинг манфаатини кўзлаб фуқаролик  
ишлари бўйича судга ариза киритилиши на-  
тижасида, собиқ “котиб”ларга 31 миллион  
509 минг 405 сўм миқдоридаги компенсация  
пули тўланиши юзасидан суд бўйруғи чиқа-  
рилди.

**Салтанат РАЙМБЕКОВА,**  
Беруний туман адлия бўлими  
бош маслаҳатчиси





## ҚАЙСИ НОТАРИАЛ ИДОРАГА МУРОЖААТ ҚИЛСАМ БЎЛАДИ?



— Бухоро вилоятида яшайман. Навоий шаҳридан уй сотиб олмоқчиман. Бунинг учун қайси нотариал идорага мурожаат қилишим керак?

— Илгариги қонунчилик бўйича кўчмас мулкларни ўзгага ўтказиш, жумладан, олди-сотди шартномаси фақатгина кўчмас мулк жойлашган жойдаги нотариал идора орқали амалга оширилар эди. Хозирги амалдаги қонунчилик бўйича эса ахолига қулалилк яратиш мақсадида ушбу талаб бекор қилинди, яъни республика миздаги барча нотариал идоралар бошқа ҳудудда жойлашган кўчмас мулкни олди-сотди, ҳадя, айр-бошлаш шартномаларини расмийлаштириш ҳуқуқига эга, яъни Сиз бошқа вилоядада яшаб туриб, Навоий шаҳридан уй сотиб олмоқчи бўлсангиз, ўзингиз яшайдиган ҳудуддаги нотариал идорага мурожаат қилиш орқали ушбу талабингизни қаонаатлантиришингиз мумкин.



— Отам Тошкент шаҳрида яшаб, вафот этганлар, ўзим эса Бухоро вилоятида яшайман. Отамдан қолган мулкларга нисбатан мерос гувоҳномаси расмийлаштириш учун қайси нотариал идорага мурожаат қилсам бўлади?


— Фуқаролик кодекси бўйича мерос қолдирувчинга охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой, деб ҳисобланади.

Сизнинг отангиз Тошкент шаҳрида яшаб, вафот этган бўлсалар, унинг мулкларига нисбатан мерос гувоҳномаси фақатгина Тошкент шаҳридаги тегишли нотариал идораси орқали расмийлаштириб берилади. Агар Сиз Тошкентга бора олмасангиз, исталган нотариал идора орқали бошқа бир шахсга мерос гувоҳномаси расмийлаштириш ҳуқуқига оид ишончнома берсангиз, Тошкент шаҳрига бор-масдан, ушбу гувоҳномани олишингиз мумкин бўлади.

**Саволларга Бухоро шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дилобар БОЗОРОВА жавоб берди.**

БУГУННИНГ нотариуси замон билан ҳамнафас. Соҳада кейинги йилларда туб ислоҳотлар юз берди.

Мамлакатимизда нотариат институти-нинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, нотариал идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш бўйича амалий ишлар қилинди.



## НОТАРИАЛ ХИЗМАТ: КЕЧА ВА БУГУН

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи нотариат институти мустакиллигийларида тақомиллаштирилиб, мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Соҳани тўғридан-тўғри тартиби солиши ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишга қаратилган 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 2020 йил 1 январдан давлат нотариал идоралари хусусий амалиёт билан шуғулланышга ўтди. Мол-мulk билан боғлиқ битимларни тасдиқлашдаги бир қатор талаблар бекор қилинди. Бир неча нотариал ҳаракатларни мажбурий нотариал тасдиқлаш талаби ҳам бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ташкил топди, унга барча нотариуслар аъзо бўлди.

Амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, соҳадаги коррупция ҳолатларига барҳам бериш ва нотариат тизимини замон талабларига мос келадиган соҳага айлантириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан нотариат соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ва электрон нотариал архивни шакллантириб бориш учун «Нотариус» автоматлаштирилган аҳборот тизими яратилди. Барча нотариал ҳаракатларни аҳборот тизими ёрдамида онлайн тарзда мониторинг қилиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик тарзда ҳисоблаш, электрон тўловларни SMS хабарлар юбориш йўлга қўйилди. Идоралараро электрон аҳборот алмашиб имкониятлари яратилди. Жараён қандай кечади: нотариус хизматлари учун давлат божи, пуллук хизмат ва бошқа тўловлар электрон тизим орқали автоматик равишда шакллантирилади. Яъни, бу ҳолатда инсон омили иштирок этмайди. Нотариусга мурожаат қилган мижоз SMS хабар ёрдамида тўланган суммани яна бир марта текшириш имконига эга бўлади.

Тизим орқали тўлов квантанциялари чиқарип берилади. Фуқаронинг тизимга киритилган мобил телефоны рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди, Адлия вазирлигининг «Ишонч телефони» рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади. Агар ортиқа тўлов ундирилганлиги аниқланса, мижоз шу заҳоти Адлия вазирлигининг «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилиши, бу ҳақида шикоят қолдириши ёки нотариуснинг ўзига тафовут сабаби юзасидан савол бериши мумкин.

## НОТАРИАТНИНГ ФАОЛ МОДЕЛИ НИМА УЧУН ЖОРӢ ЭТИЛДИ?

Нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда «ягона дарча» тамоили бўйича кўрсатиладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги кўшимча ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш орқали олинадиган бўлди. Бу жараёнда нотариус комплекс хизмат кўрсатувчи орган сифатида барча ҳужжатларни ўзи йиғади. Бу эса, ортиқа оворагарчиликларга, маълумтонома тўплаб, ортиқа вақт йўқотиш ҳолатларига чек кўйди.

«E-notarius.uz» махсус портали яратилди. Мазкур портал кенг имкониятларга эга бўлиб, мурожаат қилувчилар ўзларига керакли бир неча хизмат турларидан фойдаланиши мумкин. Масалан, фуқаролар нотариус қабулига электрон тарзда ёзилиши, яшаш ёки иш жойига энг якин нотариус ёки нотариал идорани топишлари, электрон мурожаатлар қолдиришлари, хизматлар бўйича керакли маълумотларни олишлари мумкин. Бундан ташқари, порталда нотариус ҳақида фикр қолдириш, унинг хизматини баҳолаш тизими ҳам мавжуд. Порталда нотариал фаолиятга оид янгиликлар, очиқ маълумотлар мунтазам бериб борилади.

Порталнинг қуайлиги шундаки, унда нотариал ҳаракатнинг турига қараб ҳужжатни расмийлаштиришда амал қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ҳам бор. Фуқаролар керакли ҳужжатлар рўйхати нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун тўланадиган божлар турлари билан ҳам танишиб чиқиши мумкин. Махсус калькулятор тугмаси орқали жами тўлов суммасини ҳисоблаш чиқиши мумкин. Бундай қуайликлар яратилиши билан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун навбат кутиш, таниш-билишчилик, коррупция ҳолатларига барҳам берилиди.

## СОҲАДА ЭРКИН РАҶОБАТ МУҲИТИ ШАҚЛАНДИ

2020 йил 14 январда «Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун билан «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга ўзгариш ва кўшимчалар киритилди. Хусусан, давлат нотариал идоралари нотариуслари билан бир қаторда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан ҳам нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши белгиланди.

Бу эса, нотариат соҳасида эркин рақобат мұхитининг шаклланшишига йўл очди, албатта. Нотариал идораларда навбат кутиш мұаммоси ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлди. Нотариуслар сонининг кўпайиши ахолида нотариусни танлаш имкониятини ҳам яратди.

Ортиқа бюрократия, коррупция ҳолатларига барҳам берилиди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги «Ўзбекистон нотариал палатаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ташкил қилинди. Нотариал палатага хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти устидан мониторингни амалга ошириш вазифаси ҳам юклатилди.

Нотариус лавозимларига номзодларни танлов (малака имтиҳони) асосида танлаб олиш бўйича давлат хизмати жорӣ этилди. Олий малака комиссиясига фақат электрон мурожаат қилиш тартиби йўлга кўйилди. Танлов, яъни малака имтиҳони жараёни аудио ва видеоёзувларда қайд этилиб, Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида реал вақт режимида трансляция қилинмоқда. Бу ҳам нотариат соҳасида ортиқча бюрократия ва коррупция ҳолатларига қарши мурасасиз курашилаётганигидан далолат беради.

Нотариуслар фаолияти устидан доимий мониторинг ишлари олиб борилади, «Сирли мижоз» тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Нотариуснинг касб этикаси қоидалари, касбий мажбуриятлари белгиланган. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан ҳам бу қоидаларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб борилмоқда.

Асосий мақсад эса, ахолининг нотариат хизматларга бўлған талабини қондириш, нотариат соҳасида эркин рақобат мұхитини шакллантириш, ортиқча бюрократия ва коррупция ҳолатларини бутунлай йўқотишдан иборатдир.

## ХАЛҚАРО НОТАРИУСЛАР ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚҮЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ўз фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, халқаро тажрибани ўрганиб, чет давлатлар Нотариал палаталари, Халқаро нотариуслар иттифоқи билан ҳамкорликни йўлга кўйиган. Хусусан, Франция, Литва ва бошқа бир қатор илгор давлатлар тажрибаси ўрганилиб, кўшма меморандумлар имзоланмоқда. Пандемия даврида соҳа мутахассислари «Zoom» платформаси орқали онлайн мулоқотлар ташкил қилинмоқда.

Ўтказилаётган тажриба алмашиж жараёнларида хорижлик ҳамкорлар иортилизда нотариусларга яратилган имтиёз ва қуайликлар, нотариуслар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳамда хусусий нотариуслар фаолияти билан яқиндан танишиш мокда.

**Дилдор МУСАЕВА,  
Юнусобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

ЯНГИ таҳрирдаги “**Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.



Шоҳидахон ЮЛДАШЕВА,  
Адлия вазирлиги  
бошқарма бошлиғи:

# ҚОНУН ФУҚАРОЛАРНИНГ ХОҲЛАГАН ДИНГА ЭЪТИҚОД ҚИЛИШ

## ЁКИ ҲЕЧ ҚАЙСИ ДИНГА ЭЪТИҚОД КИЛМАСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Эътиқодлар хилма-хил бўлган ва кўп миллатли жамиятда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро то тувлик муҳити, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат туйгуларини шаклантириши ҳамда мустаҳкамлаш ижтимоий ҳаёт фаровонлигига эришишининг асосий гаровидир.**

Дин шахсий дунёкаш ва амал бўлиб, қонун уни тўлиқ кафолатлайди, ҳар бир шахсни диний ҳиссиятлари камситилишидан ҳимоялайди.

Ўзбекистон қадимдан турли миллат ва элат ҳамда конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, ўз диний ибодат ва расм-руссумларини эмин-эркин бажариб келган бағрикенг диёр сифатида қадрланади. Мамлакатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган изчил сиёсати ҳалқимиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Юртимизда виждан эркинлигини таъминлаш ҳар доим устувор вазифалардан биро бўлиб келган. Шу боис, парламентимиз томонидан “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу мақсадда, Қонун виждан эркинлиги мөъёrlа-рини аниқ кўрсатиб, фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлигини таъминлайди. Шунингдек, ҳар қандай динга зўравонлик билан киритишни тақиқлади.

Демократик давлатлар қаторида, қонун устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам диннинг сиёсатга аралашishi ҳамда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги Қонунда аниқ кўрсатилди.

Қонунни тайёрлашда шу борадаги ҳалқаро меъёр ва талаблар, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуqlari умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуqlar тўғрисидаги ҳалқаро пакт ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуqlari бўйича қўмитасининг умумий тартиbdagi шарҳлари пухта ўрганилиб, улардаги асосий қоида ва тамоиллар инобатга олинди.

Юртимизда тарихан шакланган анъана, урф-одат ва қадриятларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунда ҳамкорларимиз — Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, Европада хавфисизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуqlari бўйича бюроси каби нуфузли ҳалқаро тузилмалар эксперталари томонидан берилган тавсиялар ўз аксини топди.

Қонундаги принципиал янгиликлар ҳақида гапирганди, улар диний-маърифий соҳада олиб борилаётган

кеңг кўламли испоҳотларнинг изчил давоми сифатида, аввало, ҳар бир инсоннинг виждан эркинлигини таъминлаш учун қупай шарт-шароитларни яратишига, ҳуқуқни кўллаш амалиётига аникликлар киритишга алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиш лозим.

Бу янгиликлар, айниқса, кўйидаги масалаларда яқол намоён бўлади:

Биринчидан, Қонун асосида диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш билан боғлиқ тартиб соддалашибилиб, бу борада муҳим енгилликлар жорий этилмоқда.

Хусусан, маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарни ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробар камайтирилиб, 50 нафардан кам бўлмаган этиб белгиланди. Шунингдек, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун ҳам 100 нафар ташаббускор бўлиши ҳақидаги талаб бекор қилинди.

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар тўлиқ элекtron шаклда, инсон омилисиз амалга оширилиши жорий этилди.

Рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сони кескин қисқарди, уларни кўриб чиқишининг муддати эса 3 ойдан 1 ойга туширилди.

Бу билан диний ташкилот тузиш ташабbускорларига кулий, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилди, ортиқа бюрократик тўсийлар бартараф этилди.

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари қонун билан белгиланиб, унда кўрсатилмаган асосларга кўра рад этишига йўл қўйилмаслиги таъминланди.

Шу билан бирга, диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш фақатгина суд орқали бўлиши, рўйхатдан ўтказадиган ва бошқа давлат органлари бунга ҳақли эмаслиги, мансабдор шахсларнинг муайян диний ташкилот қонуний манфаатларини бузувчи хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилинганда диний ташкилот давлат божини тўлашдан озод этилиши каби қўшимча кафолатлар назарда тутилди. Бу ҳам илгари тарихимизда бўлмаган механизmlардир.

Иккинчидан, диний таълимнинг профессионал мақоми расман эътироф этилди, Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, дунёвий таълим олиш ҳуқуки таъминланиши қайд этилди.

Ҳар қандай шахснинг “ўзича” ахолига диний таълим бериши — ноанъанавий ақидаларнинг тарқалишига, мутахассис бўлмаган шахслар томонидан соф диний масалалар бўйича бирёклама тушунчалар берилишига олиб келади.

Бу эса жамиятда диний масалалар билан боғлиқ ихтилофлар келиб чиқшига, аҳолининг ёт ғоя ва қарашлар таъсирига тушишига сабаб бўлади. Шу мақсадда, диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқоний фаолият сифатида белгиланди.

Учинчидан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида “ибодат либоси” тушунчалининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли жамоат жойларида ибодат либосида юришга тақиқ Қонундан чиқириб ташланди.

Шу билан бирга, амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан, давлат ташкилотлари ва муассасаларида ходимларнинг кийинишига оид талаблар уларнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тўртингидан, диний ташкилотни тузиш учун талаб этиб келинган маҳалла фуқаролар йиғинлари розилигини олиш тартиби бекор қилинди. Диний ташкилот тузиш ташабbускорлари ортиқа хат-ҳужжатларни йиғишдан холос бўлди.

Бешинчидан, бугунги кунда дунёнинг кўпгина минтақаларида нотинч вазият ҳукм суроғтани туфайли диний омилдан фаразли мақсадларда фойдаланиш кучайиб бораётганини инобатга олиб, Ўзбекистон худудида бузгунчи ғояларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун диний мазмундаги босма, аудио ва видео маҳсулотларни экспертиздан ўтказиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Қонунда, жамиятда турли ёт қарашларни тарғиб қилаёт-

ган гурухларнинг фаолияти, улар томонидан тарқатилаётган бузгунчи ғояларнинг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасининг ижобий хуласасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, давлат идоралари томонидан қонун нормалари нохолис талқин қилиниши ва турлича қўлланнишинг олдини олиш мақсадида атама ва тушунчаларга таърифлар келтирилди, улар аниқ ва равшан тарзда баёб этилди.

Негаки, қонун атама-ларининг нотўри талқин қилиниши натижасида турли тушунмовчиликлар, масалага нохолис ёндашув ҳолатлари вужудга келиши мумкин. Шу каби омиллардан келиб чиқиб, қонунда ҳар бир инсоннинг Конституциямиз билан кафолатланган ҳуқуqlariiga мос равишида, фуқароларга диний қаражашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди.

Ушбу қўшимчалар жамиятда турли конфессиялар ўтасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, юз бериши мумкин бўлган турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қиласи.

Диний қараш ва таълимотларнинг турлича талқин қилинишига йўл қўймаслик мақсадида “ноқоний диний фаолият” билан “қонуний диний фаолият” ўтасидаги чегара аниқ белгилаб қўйилди ҳамда “диний таълим” тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан аниқлик киритилди.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаймиз, Ўзбекистон — кўп конфессияли мамлакат. Унда истиқомат қиладиган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари 16 конфессияга амал қиласи. Уларнинг ўзаро тинч, тутув ва ҳамкор фаолият кўсиминиши Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлигини таъминлашга хизмат қиласи.

### ЭЪЛОН

Хоразм вилоятада адлия бошқармасининг 2021 йил 24 июндаги 156-ум-сонли бўйргуга асосан “Urganch himoyachisi” адвокатлик бюроси адвокати Курбанов Шерзод Шариповичга бошқарма томонидан 2018 йил 27 декабрь куни HZ №000057 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокат мақоми тутатилди.

### Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилиди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳамда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 30-үй.

**Тиражи — 3369**

Буюртма — V-4753

### МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

